Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши

№ 32 (4491).

15 февраль сешанба 1972 йил

Баҳоси 2 тийин.

Суратда: ТОШКЕНТДАГИ ипак-йигирув фабрикасининг пешқадам ишчиларидан (чапдан ўнгга) Ҳафиза Юсупова, Лутфи Хўжаназарова, Мавлуда Мусаева ва Қундуз Авазова ўртоқларни кўриб турибсиз. Уларга социалистик мусобақада ғолиб чиққанликлари учун коммунистик меҳнат зарбдори деган ном ҳамда қўчма вимпел топширилди.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

КАДРЛАР ОЛТИН ФОНДИМИЗ

— Турмуш кадрларга нисбатан талабни муттасил оширмоқда,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетининг КПСС XXIV съездига қилган ҳисобот докладида.— Бизга юксак снёсий онглилик билан яхши профессионал тайёргарликни мужассамлаштирган, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалаларини омилкорлик билан ҳал этишга қобилиятли, бошқаришнинг замонавий методларини эгаллаган кишилар керак.

Область партия ташкилотлари кадрлар танлаш ва уларни жойжойига қўйишда ана шу юксак талабларга амал қилиб, партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларини истеъдодли, ишчан, малакали, замон талабларини, турмуш олға сураётган вазифаларни чуқур ҳис этадиган кадрлар билан мустаҳкамлашда бирмунча ишларни амалга оширдилар. Саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, умуман областимиз экономикасининг турли тармоқлари ва соҳаларида юксак кўрсаткичларга эришаётган экипмиз, бу биринчи навбатда ишчилар, колхозчилар, барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати, партия ташкилотларимиз олиб бораётган улкан ташкилотчилик ва раҳбарлик ишларининг самарали бўлиш билан бир қаторда партиямизнинг олтин фонди бўлган кадрларимизнинг ҳам ғоят катта жонбозлиги ва ташкилотчилик ишларининг натижасидир.

Ҳозир бизда кадрлар билан ишлашда шундай практика қарор топдики, бунда одамларга ишонч ва ҳурмат уларга нисбатан принципиал талабчанлик билан қўшиб олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишчанлик, ўртоқлик вазиятини вужудга келтириб, ходимларга ўз қобилиятларини тўлароқ намоён қилиш имкониятини бермоқда. Партиямизнинг юксак ишонч ва ҳурматига сазовор бўлган кадрларимиз ўзларига юклатилган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажариш учун бутун куч ва билимларини сафарбар этмоқдалар.

Партиямиз Марказий Комитети кадрлар танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқда. Чунки коммунистик қурилиш вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши кўпгина партиямизнинг ана шу олтин фондига боғлиқдир. Партия ходимлардаги янгиликни ҳис қилиш сингари фазилатлар ҳамма ўз ўрнини олган эмас. Айрим жойларда кадрлар танлашга, айниқса, ёш кадрларни тарбиялаш масалаларига юзаки қаралади. Кадрларга нисбатан қўпол ва маъмурнятчилик муносабатлари, уларнинг ташаббуслари ва илғор таклиф ва фикрларини рўёбга чиқармаслик ҳоллари рўй беради. Область партия комитети савдо тармоқлари, айниқса, матлубот жамияти, Оржоникидзе, Бўка районлари, Бекобод ҳамда Тошкент шаҳри партия комитетлари кадрлар танлаш масалаларига баъзи ҳолларда етарли эътибор бермаётганлигини ўз вақтида тўғри кўрсатди.

Мамлакатимиз, шу жумладан областимиз олдида тўққизинчи беш йилликда янада улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Буларнинг муваффақиятли бажарилиши кадрларимизга боғлиқ. Кадрлар ҳал қилувчи куч. Уларнинг юксак малакали, маҳоратли ва ишчан, талантли ва талабчан, ташкилотчи ва уюштирувчи, ташаббускор ва тарбиячи, партия қарорлари ва топшириқларининг жарчиси бўлишлари, ўз ишлари, фаолиятлари, маънавий ва ахлоқий ҳулқ ва атворлари билан намуна бўлишлари, янгиликни ҳис этишлари — партиямизнинг кадрлар олдига қўйган юксак талабидир.

Партия кадрлари — партия солдатлари, халқ хизматкорларидирлар. Улар коммунистик қурилишнинг барча соҳалари ва босқичларида юксак марраларни эгаллаб келмоқдалар. Улар бундан сўнг ҳам партия снёсатининг актив курашчилари бўладилар, партиямизнинг таянчи ва олтин фонди деган буюк номни шараф билан адо этадилар.

янгича бошқаришнинг методлари ва усуллари, қишлоқ хўжалигида эса хўжаликни фан ва техника тараққиёти, илғор тажрибалар асосида олиб бориш, деҳқончилик маданиятини ошириш сингари, шунингдек, маданий-маиший, савдо, халқ хўжалигининг турли соҳаларида партия XXIV съезди қўйган вазифалар асосида кадрларнинг малакаларини ошириш мактаблари, курслари иш олиб бормоқда. Область партия комитети ва ижроия комитети томонидан ташкил этилган колхоз-совхоз раҳбарлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари курсларида, мактаб ва тўгаракларда, семинар ва конференцияларда жуда кўп киши таълим олди.

Партиямиз Марказий Комитети кадрларни танлаш ва тарбиялашда бир нарсага алоҳида эътибор бермоқда. Бу эса кекса кадрларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва билимидан фойдаланиш билан бир қаторда, ёш, истиқболли ходимларни пастдан юқорига кўтаришга ва уларни тарбиялашга қаратилгандир. Афсуски, айрим жойларда бу талаб ва принципларга етарли эътибор қилинмаётир. Ишчилар ва колхозчилар синфининг асосини, истиқболи ва келгусини ёшлар ташкил этади. Улар институтлар ва техникумларда, мактаб ва профессионал-техника ўқув юртларида, завод ва фабрикаларда, қурилишлар ва шахталарда ўсиб етишмоқда. Коммунистик қурилишнинг келажак авлодини, ишчилар синфининг муносиб ворисларини революцион анъаналаримизнинг давомчиларини тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш — партия ташкилотларимизнинг энг муҳим вазифасидир. Афсуски бу масалага ҳамма ерда ҳам етарли эътибор берилмаётир.

Завод ва фабрикаларга, корхона ва муассасаларга янги келган ёш мутахассислар, инженер-техник ходимлар, комсомоллар ва ёшлар ҳамма вақт ҳам бутун коллективнинг ғамхўрлиги билан қуршаб олинмайди. Буларга билим ва тажриба ўргатилмайди. Бошқариш, аҳолига хизмат қилиш ва яхши муомалада бўлиш, кекса ходимлардан ўрнак олиш, машиналар ва дастгоҳларни бошқариш, савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларни топшириладиган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш ва интизомни сақлаш, ишда ташаббус кўрсатиш сингари энг яхши фазилатлар руҳида тарбиялаш ҳамма партия ташкилотларининг фаолиятида ҳам ўз ўрнини олган эмас. Айрим жойларда кадрлар танлашга, айниқса, ёш кадрларни тарбиялаш масалаларига юзаки қаралади. Кадрларга нисбатан қўпол ва маъмурнятчилик муносабатлари, уларнинг ташаббуслари ва илғор таклиф ва фикрларини рўёбга чиқармаслик ҳоллари рўй беради. Область партия комитети савдо тармоқлари, айниқса, матлубот жамияти, Оржоникидзе, Бўка районлари, Бекобод ҳамда Тошкент шаҳри партия комитетлари кадрлар танлаш масалаларига баъзи ҳолларда етарли эътибор бермаётганлигини ўз вақтида тўғри кўрсатди.

Мамлакатимиз, шу жумладан областимиз олдида тўққизинчи беш йилликда янада улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Буларнинг муваффақиятли бажарилиши кадрларимизга боғлиқ. Кадрлар ҳал қилувчи куч. Уларнинг юксак малакали, маҳоратли ва ишчан, талантли ва талабчан, ташкилотчи ва уюштирувчи, ташаббускор ва тарбиячи, партия қарорлари ва топшириқларининг жарчиси бўлишлари, ўз ишлари, фаолиятлари, маънавий ва ахлоқий ҳулқ ва атворлари билан намуна бўлишлари, янгиликни ҳис этишлари — партиямизнинг кадрлар олдига қўйган юксак талабидир.

Партия кадрлари — партия солдатлари, халқ хизматкорларидирлар. Улар коммунистик қурилишнинг барча соҳалари ва босқичларида юксак марраларни эгаллаб келмоқдалар. Улар бундан сўнг ҳам партия снёсатининг актив курашчилари бўладилар, партиямизнинг таянчи ва олтин фонди деган буюк номни шараф билан адо этадилар.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

КОММУНИСТ Исмоил Каримов Тошкентдаги ремонт-экскаватор заводининг пешқадам токарларидан саналади. СССР ташкил тошган кунинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Исмоил кунлик иш нормасини 140—160 процентга етказиб бажаряпти. Суратда: моҳир токарь иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

ТЕХНИКА ШАЙ

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили давлатга 16800 ўрнига 19857 тонна сабзавот сотди.

Колхозда Тўғон Абдурасулов, Тўлавой Жўраев, Мухтор Йўлдошхўжаев каби моҳир механизаторлар йил бўйи ҳалол меҳнат қилиб, деҳқонлар оғирини енгил қилдилар. Улар дала ишларидан бўшаганларидан сўнг, техника ремонти ишларини бошлаб юборишди. Ҳамжиҳатлик билан қилинган меҳнат туфайли қишки ремонт қисқа муддатда тугалланиб 22 та ҳайдов трактори, 47 та чопиқ, 10 та «С-80» ва бошқа хил маркали тракторлар, 14 та сеялка, 43 та культиватор ва 5 та картошка экадиган механизмлар баҳорги экиш мавсумига тайёрлаб қўйилди.

К. РАШИДОВ.

СУТ БУЛОГИ

Свердлов номли колхоз Юқори Чирчиқ районидаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга бу хўжаликда чорвачилик ҳам яхши ривожланган: ўн мингдан зиёд юқори маҳсулдор қўй, 1600 бош йирик шохли қорамол, 460 бош соғин сигир ва бошқа чорва молларидан кўплаб маҳсулот олинмоқда.

Чорвадорлар соғин сигирлар маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор беришмоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳар бир соғин сигирдан пландаги 2400 килограмм ўрнига 3000 килограммга етказиб сут соғиб олинди. Шунингдек, давлатга гўшт топшириш плани ҳам ошиғи билан бажарилди. Пландаги 1299 ўрнига 2 минг центнерга етказиб гўшт сотилди. Чорвадорлар бундай кўрсаткичга асосан гўштга топшириладиган қорамолларни яхшилаб семиртириш ҳисобига эришмоқдалар. Масалан, гўштга топшириладиган ҳар бош буқанинг тирик вазни планга кўра 13 ойда 365 килограммга етказилиши белгиланган бўлса, азамат чорвадорлар шу муддат ичида буқаларнинг ўртача тирик вазни 406 килограмм бўлишига эришдилар.

Чорвадорлар ўтган йилги муваффақиятларини мустаҳкамлаб, тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишда мустаҳкам ем-хашак базасини ҳозирлаш муҳим вазифа. Шунинг учун ҳамхўжалик чорвадорлари 1972 йил қишлови учун планда кўзда тутилгандан анча ортиқ ем-хашак ҳозирлашди. 110 гектар майдонга маккажўхори экилиб, 70333 центнер силос бостирилди. 14 минг центнер беда пичани тайёрланди, 20 гектар ерга судан ўти экилиб, ҳар гектаридан 450—500 центнердан кўк масса олинди.

Чорвачиликни ривожлантиришда, маҳсулдорлигини йилдан-йилга ошириб боришда чорвачилик бўйича раис муовини Хон Николай, йирик шохли қорамоллар фермаси мудири Ким Тимофей, бош зоотехник Георгий Пак, бош агроном Павел Николаевич Цой, сут соғувчиларидан Ким Мария, Галина Криволапова, Галина Ершова ва бошқа ўртоқларнинг ҳиссалари катта.

В. УРМОНОВ.

БАРАКА ДАРЁСИ

Яқин-яқингача бу жойларда пахтадан жуда кам ҳосил олинар, даромад ҳам буромадга яраша бўларди. Қишлоқнинг бугунги куни, деҳқонлар амалга ошираётган ишлар, зўр ютуқларни кўриб, ўша ўтмишга ишонгинг келмайди.

Колхозда анчагина ўзгариш рўй берди: янги ерлар ўзлаштирилди, қамишзорлар чекиниб кенг пахта далалари уфққа қулоч ёйди. Шўрхок майдонларга ҳам чигит ташланди. Янги боғлар барпо қилинди. Қишлоқнинг пастқам уйлари қаторига янги, кўркам бинолар қўшилди. Ўтган йилнинг ўзида қишлоқ марказида 200 ўринли ўрта мактаб, икки қаватли колхоз идораси, 40 тўшакли автомат телефон ишга туширилди, 6,5 километр йўлга асфальт ётқизилди. Хонадонларнинг 70 процента газлаштирилди.

Булар барчаси пахтакор деҳқонларнинг, механизатор ва колхозчиларнинг астойдил қилган меҳнати туфайлидир. Айтайлик, ўтган йили 1200 гектар майдонга чигит ташланиб, 2560 тонна ўрнига 2930 тонна пахта олинди. Ҳосилдорлик салкам уч центнерга ошди. Бу ютуқлар ҳақида колхоз раиси Аҳмад Иномов фахрланиб гапиради:

— Колхозчиларимиз деҳқончилик илмини, тажрибасини пахтачиликка сафарбар этишяпти. Шунинг учун ҳам ҳосил олинар, даромад ҳам буромадга яраша бўларди. Қишлоқнинг бугунги куни, деҳқонлар амалга ошираётган ишлар, зўр ютуқларни кўриб, ўша ўтмишга ишонгинг келмайди.

Колхозда анчагина ўзгариш рўй берди: янги ерлар ўзлаштирилди, қамишзорлар чекиниб кенг пахта далалари уфққа қулоч ёйди. Шўрхок майдонларга ҳам чигит ташланди. Янги боғлар барпо қилинди. Қишлоқнинг пастқам уйлари қаторига янги, кўркам бинолар қўшилди. Ўтган йилнинг ўзида қишлоқ марказида 200 ўринли ўрта мактаб, икки қаватли колхоз идораси, 40 тўшакли автомат телефон ишга туширилди, 6,5 километр йўлга асфальт ётқизилди. Хонадонларнинг 70 процента газлаштирилди.

Механизация пахта етиштиришда катта роль ўйнаяпти. Деҳқонлар механизаторлар билан ҳамкорликда иш юритиб, иш унумдорлигини ошириш, ундан тўғри фойдаланиш тадбирларини кўришяпти. Механизациядан фойдаланиш даражаси ортиб бораяпти. Ҳосилнинг 70—80 процента «зангори кема»ларда йиғиштириб олинаяпти.

Механизацияда катта тажриба ва маҳорат орттирган тракторчилардан Р. Маъмутов, Н. Унчиков, Х. Намозов кабиларнинг номини қишлоқ аҳли ҳурмат билан тилга олади. Уларнинг ҳар бири ўтган йили 150—170 тоннадан пахта теришди.

Пахтачиликни ривожлантиришда алмашлаб экиш ижобий роль ўйнамоқда. Кейинги пайтларда алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Беда-маккажўхори-пахта алмашлаб экиш системаси қўлланилган майдонларда олинган ҳосил бир неча центнерга ошмоқда.

Хўжаликдаги умумий майдоннинг 400—500 гектарини шўрҳок ерлар ташкил этади. Майдонларда ер шўрини ювиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ишлари домий олиб бориляпти. Шунингдек, колхоздаги 400 гектар пахта майдонига кучли насослар ёрдамида сув чиқарилади. Ёз саратонида ғўзани қондириб суғориш колхознинг тажрибали сувчилари зиммасига юклатилган. Улар қийин шароитда экинни яшнатиш, мўл ҳосил тўплаш йўлида тер тўкишди.

Колхоз бултур пахтачиликдан катта даромад олди. Пландаги 1 миллион 129 минг сўм ўрнига 1 миллион 530 минг сўмлик даромад олинди, пландан ташқари 401 минг сўм фойда келди.

Колхозда халол меҳнати билан обрў-эътибор топаётган кишилар кўп. Лекин, умумхалқ ишига эътиборсизлик билан қараётган одамлар ҳам топилади. Ж. Турмбеков, М. Шуленов бошлиқ бригадаларда ўтган йили ҳосилдорлик аранг 13-15 центнерга етди. Пахтачилик учун қулай келган хўжалик йилида ҳам улар зиммаларидаги вазифани бажаролмай, кўпчилик ўртасида юзлари шувут бўлиб қолдилар.

Бу бригадаларда ҳосилдорлик камайиб кетаётганлиги сабабини қўйидагича изоҳлаш мумкин: меҳнат ва маҳаллий ўғитдан фойдаланиш ачинарли аҳволда. Шунингдек, тўлиқ гектарлар учун курашилмайди, ғўзаларни парваришлаш агротехникасига эътибор берилмайди. Ўтган йили М. Шуленов бошлиқ бригада деҳқонлари ҳар гектар ердан 15 центнердан ҳосил олиб, бир тонна пахта учун 414 тонна азотли, 146 тонна фосфорли ўғит сарфлаган. Худойберди Раҳимбердиев бошлиқ бригада аъзолари эса ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил кўтариб, бир тонна пахта учун 248 тонна азотли, 259 тонна фосфорли ўғит сарфлашган. Юқоридаги мисоллардан бригадада ўғитдан фойдаланиш қай даражада эканлигини кўриш мумкин.

Колхоз меҳнаткашлари пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни кучайтиришмоқда. Ўтган йили давлатга 120 тонна ўрнига 177 тонна сут етказиб берилди. Ҳар бош соғин сигирдан 1200 литр ўрнига 1960 литрдан сут олинди. Қорамоллар бош планини ҳам ошириб бажарилди. Эндиликда моллар зотини яхшилаш, улар маҳсулдорлигини оширишда асосий омил ҳисобланган чорва ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. Колхозда маккажўхори, беда, судан ўти, озуқа лавлагидан олинаётган ҳосил ҳам юқори бўлмоқда.

Пахтачилик ва чорвачилик колхознинг асосий тармоғи ҳисобланади. Бу икки тармоқда ҳам иш яхши йўлга қўйилаётганлиги, одамлар астойдил меҳнат қилаётганлиги туфайли катта даромад келтирмоқда. Ўтган йили умумий даромад пландаги 1 миллион 270 минг сўм ўрнига 1 миллион 668 минг сўмни ташкил этди. Чорвачиликдан 5100 сўм даромад келди. Одамларнинг меҳнат ҳақи олдинги йилларга нисбатан анча ошди. Қишлоқ ҳам обод бўлиб бораяпти. Бу йил колхозда 200 бошга мўлжалланган сигирхона, 10 та турар-жой бинои, колхоз марказида маиший хизмат кўрсатиш комбинати, 90 ўринли болалар боғчаси, беш километр масофага водопровод қурилади.

Бўка районидаги Мичурин номли колхоз деҳқонлари тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар гектар ердан 27 центнердан пахта етиштириш, умумий ҳосилни 3200 тоннага етказиш, ҳар бош сигирдан 2000 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилишди.

Т. ҒАНИЕВ.
Н. ТУРАЕВ.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ ЖУНАБ КЕТДИ

Сомали Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко 13 февралда Могадишога жўнаб кетди.

(ТАСС).

ЮГОСЛАВИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Югославия Коммунистлар Союзи президиумининг аъзоси Стане Кранъц бошчилигидаги ЮКС партия ходимлари делегацияси Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаётн билан танишмоқда.

Югославиялик меҳмонлар Тошкент билан Самарқандинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Улар Ўзбекистон ССР олий ва махсус таълим министрлиги, Республика Фанлар академияси ва В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети раҳбарлари билан учрашдилар, фанни ривожлантиришда, халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли тармоқлари учун мутахассислар тайёрлашда Ўзбекистоннинг эришган муваффақиятлар билан қизиқдилар.

Югославия Коммунистлар Союзи партия ходимларини 14 февралда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қабул қилди. У дўстона суҳбат чоғида, республикада ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш негизида юз берган ўзгаришлар тўғрисида, Ўзбекистон партия ташкилоти амалга ошираётган вазифалар ҳақида делегация аъзоларига сўзлаб берди.

(ЎзТАГ).

„ЛУНА-20“ АВТОМАТ СТАНЦИЯСИ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1972 йил 14 февраль Москва вақти билан соат 6 дан 28 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Луна-20» автомат станцияси учирилди.

Станцияни учиришдан мақсад Ойни ва Ой атрофи фазосини илмий тадқиқ этишни яна давом эттиришдан иборатдир.

Станция Ойга Ер сунъий йўлдошининг орбитасидан учирилди. Станция ҳисоблаб қўйилганига яқин траектория бўйлаб ҳаракат қилиб бормоқда.

Телеметрик информация маълумотларига кўра, станциянинг ичидаги системалар ва агрегатлар нормал ишлаб турибди. Ердаги команда ўлчов комплекси воситалари станция билан барқарор радио алоқа боғлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази оливаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ТАРБИЯ МАКТАБИ

«Ташводстрой»га қарашли механизациялашган махсус кўчма колонна коммунистлари умумий йиғилишида А. Парпиҳўжаев ҳисоботи эшитилди.

Коммунистлар ундан фақатгина йиллик планнинг бажарилиши ҳақида сўраб қолмасдан, ўзига бириктирилган участкада қандай сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бораётганлиги билан ҳам қизиқдилар. У колоннанинг 2-механизациялашган участкаси бошлиғи сифатида йиллик планнинг ҳамма турлари бўйича муддатидан олдин бажарилишига, коллектив орасида сиёсий тарбиявий ишларни жонлантиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Мажлисда экскаваторчилардан А. Раев, халқ контроли группасининг раиси М. Однорог, 1-қурилиш участкаси бошлиғи А. Хе ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар коммунист А. Парпиҳўжаев ҳисоботини зўр қониқиш билан тинглаганликларини айтдилар. Шу билан бирга, у раҳбарлик қилаётган участкадаги баъзи қамчиликлар устида ҳам тўхталдилар. Айниқса улар социалистик мусобақани ташкил қилишда, коллектив орасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда бошлиқнинг бурчи ҳақида гапирдилар, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Коммунист А. Парпиҳўжаев ҳисоботи эшитилган мажлис ниҳоятда ишчанлик руҳида ўтди. Бу мажлис кишиларни тарбиялашнинг яхши воситаларидан бири эканлигини кўрсатди. Мажлисга тайёргарлик кўришда шошма-шошарликка йўл қўйилмади. Кун тартибига қўйилган масала атрофлича ўрганилди. Буни тайёрлашда коммунистлар актив қатнашдилар. Мажлисда коммунист Парпиҳўжаевнинг фаолияти қўллаб-қувватланди, унга тегишли маслаҳатлар берилди. Ўртоқларча берилган маслаҳат ҳозирги кунларда унга янада қўл келяпти. У раҳбарлик қилаётган 2-участка коллективи беш йилликнинг иккинчи йилини самарали меҳнат билан бошлади.

Кейинги вақтларда «Узсельхозтехника» район бирлашмаси коммунистлари ҳам активликни кучайтирдилар. Улар цех ва участка бошлиқларига нисбатан талабчанликни янада оширдилар. Бу ерда бўлиб ўтган мажлисларнинг бирида коммунистлар ремонт устахонаси мудири Тиллаевнинг ҳисоботини эшитдилар. Ўртоқ Тиллаев ўз ҳисобот докладида фақат айрим ишлар бўйичагина фикр юритди. Буни сезган очиқ партия мажлиси қатнашчилари унинг ҳисоботидан қониқмаганликларини айтдилар. Мажлисда Тиллаевга коллектив орасида фақат ишлаб чиқариш масалалари бўйича эмас, балки сиёсий-тарбиявий ишлар юзасидан ҳам актив фаолият кўрсатиш ҳақида маслаҳат берилди. Бу ерда яқинда бўлиб ўтган партия мажлисида ер мелиорацияси отрядининг бошлиғи, КПСС аъзоси А. Бозорбоев ҳисоботи эшитилди. Отряд 1971 йилда белгиланган янги ерларни ўзлаштириш бўйича планни муддатидан олдин бажарган эди. Лекин, тупроқ ишлари бўйича белгиланган план бажарилмади. Мажлис қатнашчилари отряд бошлиғидан бунинг сабабларини сўрашди. Коммунистлар ўртоқ Бозорбоевни қаттиқ танқид қилдилар. Мажлисдан сўнг у ўзи раҳбарлик қилаётган участкада ишларни яхшилашга ҳаракат қилмоқда, партия ташкилоти ва коммунистлар унга яқиндан ёрдам беришмоқда. Партия мажлислари «Далварзин» пахта тозалаш заводи, мотор-ремонт заводи, колхозлараро қурилиш бошқармасида ҳам актив ва ишчанлик руҳида ўтмоқда. Чинакам тарбия мактаби вазифасини бажармоқда. Лекин, шу билан бирга айрим партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотларида партия мажлисларини ўтказиш практикаси ҳақида»ги қарори талабларига жавоб берарли даражада иш қилинмаяпти. Кўпгина партия ташкилотларида партия мажлисларини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш юксак савияда бўлмаётир. Масалан, райондаги 2-автоколоннада бўлиб ўтган партия мажлисларининг бирини мисолга келтирамиз. Автоколонна партия ташкилоти ва унинг секретари Ражабов навбатдаги мажлисга яхши тайёргарлик кўрмаган. Автоколонна бошлиғи Н. Ибрагимов мажлисда қишга тайёргарлик кўриш ҳақида ҳисоб берган, лекин, ҳисобот доклади юзасидан қарор қабул қилинмаган. КПСС Уставида коммунистларнинг бурч ва вазифалари кўрсатиб берилган. Шундан келиб чиқиб коммунистлар у ёки бу масала юзасидан ўз мулоҳазаларини айтишлари, коллективда партиявий таъсир ўтказишга ҳисса қўшишлари, партиявий интизомга кўнгилдагидек эътибор бермайдиган коммунистларга нисбатан талабчанликни оширишлари даркор. Шуни айтиб ўтиш керакки, айрим партия ташкилотлари партия мажлисларини ўз вақтида ўтказмаётирлар. Мажлисларда ҳаёт тақозо этган масалаларни муҳокама қилишга, ижрони текширишга яхши эътибор бермаётирлар. Масалан, Бекобод совхозлараро транспорт билан таъминлаш базаси партия ташкилотида икки марта партия мажлиси ўтказилмай қолинди. Партбюронинг навбатдаги мажлисида партия мажлисига сабабсиз иштирок этмаган Усмонов, Ибрагимов ва Абдукаримовларнинг иши муҳокама қилинганда шу нарса маълум бўлдики, бу ўртоқлар тегишли партия топшириғига ҳам эга эмас эканлар. Шунингдек, ПМК—10 қурилиш ташкилоти партия бюроси ҳам коммунистларга нисбатан қаттиқ талабчанликда бўлмаяпти.

Партия мажлисларини ўтказиш ва тайёрлашда, кун тартибини белгилашда коммунистлар актив қатнашсалар, мажлис қизиқарли ва ишчанлик руҳида ўтади. Партия мажлислари ишлаб чиқариш кенгашига айланиб қолмаслиги керак. Унга идеология ишининг ҳамма тармоқлари, тарбиявий масалалар ишлаб чиқаришга боғланган ҳолда, партиявий нуқтаи назардан муҳокама қилиниши керак. Партия мажлисларига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш зарур. Кун тартибини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Хуллас, партия мажлислари — ҳақиқий тарбия мактабидир. Унда қабул қилинган қарорларнинг ижросини текшириш, у ёки бу масалани муҳокама қилишда активлик кўрсатиш ижобий натижа беради.

Район партия ташкилотлари бунга амал қилиб, ўз ишларини ҳар қачонгидан ҳам яхшилашга, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга уюшқоқлик билан киришганлар.

А. МОИСЕЕВ,
Бекобод район партия комитети инструктори.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
«Коммунист» газетаси редакторининг ўринбосари.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



ЎРТОҚ А. Каримбердиев Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва иссиққа чидамли металлар комбинатида бир неча йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. Тўқкизинчи беш йилликни муддатидан илгари адо этишга аҳд қилган пешқадам ишчи айни кунларда смена нормасини бир ярим ҳиссага етказиб уддалаб келаяпти. Юқоридаги суратда: А. Каримбердиев.

А. Тўраев фотоси.

●

Суратда: ЯНГИЙЎЛ мебель фабрикаси обой цехининг илғор ишчиларидан опасингил Манзура ва Зуҳра Атиғашева ҳамда Мария Косинина ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар смена нормасини 125—130 процентдан бажариб ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келишяпти.

С. Маҳов фотоси.

ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ИЛҒОРЛАР

Мана етти йилдирки, серқуёш республикамиз пойтахти Тошкентда улкан капитал қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу яратувчилик фронтида бинокорлар, монтажчилар, механизаторлар қатори шофёрлар ҳам баракали меҳнат қилишмоқда.

«Главташкентстрой» транспорт бошқармасига қарашли автохўжаликлар ҳар куни пойтахт бинокорлари учун юзлаб тонна турли маҳсулотлар ташиб беришмоқда. 1971 йилда транспорт бошқармаси коллективлари яхши ишладилар. Юк ташиш плани муддатидан анча олдин бажарилди. Пландан ташқари 80 минг тоннага яқин бинокорлик материаллари объектларга етказиб берилди. Бошқармадаги ўн хўжаликдан олтитаси — 1, 2, 3, 6, 7, 9-автобаза ва автотранспорт конторасси коллективи давлат планларини муваффақиятли бажариб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритди. Авторемонт заводи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича белгиланган вазифаларни ҳар қачонгидан аъло сифатда уддалади.

Ўтган йили автохўжаликлар техник тайёргарлик коэффициенти, машина ва механизмлардан фойдаланиш, уларни ремонт қилиш бўйича ҳам яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришдилар. Автопарклардан унумли фойдаланиш ҳисобига объектларга пландан ташқари қўшимча тарзда автомобиллар сафарбар этилди.

1971 йилги муваффақиятларни қўлга киритишда, айниқса, 1-автобаза коллективи салмоқли ҳисса қўшишди. Бу ерда социалистик мусобақа кенг авж олдирилиб, меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Кадрларнинг жой-жойига қўйиб меҳнат қилиниши туфайли олинган мажбуриятлар анча олдин бажарилди. 7 ва 9-автобаза ишчи-хизматчилари ҳам қувонарли натижаларни қўлга киритишди.

Ўтган йили транспорт бошқармаси коллективи ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Биринчи марта «Главташкентстрой» ташкилотлари бўйича юк ташиш тонна ҳисобида 112 процент ва юқ обороти бўйича план 110,7 процент адо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисидаги қарорига жавобан автохўжаликларда махсус анкеталар тарқатилди. Шоферлар ана шу анкеталардаги саволларга жавоб қайтариб, ўз мулоҳазаларини билдиришди. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ички резервлардан унумли фойдаланиш, оғир қўл меҳнати талаб этиладиган мураккаб жараёнларини автоматлаштириш сингари масалаларни ҳал қилиш имкониятларини берди.

Социалистик мусобақа натижалари ҳар ойда ва кварталда якунланиб илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. 9-автобаза коллективи қўлга киритаётган ютуқнинг сири ҳам ана шунда. Илгаридан давлат планини бажара олмай ташкилотлар олдида қарздор бўлиб қолган бу автобаза кейинчалик илғорлар сафидан ўрин олди. Бу ерда ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. КПСС аъзолари А. Мещеряков, П. Литвинов етакчилитидаги бригадалар айниқса яхши ишламоқдалар. С. Абдуллаев, В. Шабанов сингари ўртоқлар раҳбарлик қилаётган авторемонтчилар бригадалари ҳам яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

«Главташкентстрой» транспорт бошқармасига қарашли автохўжаликлар олдида тўқкизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида улкан марраларни эгаллаш вазифаси турибди. Пойтахт қурувчиларига юк обороти 415 миллион тонна-километр бўлган 34,4 миллион сўмлик бинокорлик материаллари ташиб берилиши керак. Йиллик план СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги арафасида бажарилиши социалистик мажбуриятларига ёзиб қўйилган.

Бугунги кунда пойтахт шоферлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш учун юксак суръат билан меҳнат қилмоқдалар.

С. ҲАМИДОВ.

ИШЧИ НОМИ — ШАРАФЛИ НОМ

ОНАХОН

ЛАВҲА

●

Она ўйининг чеки йўқ. Уйда ҳам, ишда ҳам ҳаловати йўқолган. Бир ўзи ишлаб топгани на кийим-кечакка, на овқатга етади. Яқин-яқинларгача яхши яшашарди, бола-чақа ташвиши турмуш ўртоғи зиммасида эди. Энди эса...

Хаёллар оғушида у уйга етиб келганини ҳам сезмай қолди. Қизи Маҳбуба дарс тайёрлаш билан машғул эди. Она наридан-бери овқатланган бўлиб, ястуққа ёнбошлади. Унинг зафарон чеҳраси, ичичига тушиб кетган кўзларидан оддон толиққани сезилиб турарди. «Лаънати уруш, кунинг битқур, Гитлер, не куйга солдинг бизларни» кўзига ёш олди Қумри опа.

— Яна йиғлаяпсизми, ойнажон, — юпатган бўлди уни Маҳбуба. — Ҳозир кимга ҳам осон тутиб бўлади? Ишқилиб оч қолмаяпмиз-ку!

Маҳбуба шундай деганча даструмолчаси билан онасининг кўз ёшларини артди. Сўнгра кўнглига тугиб қўйган гапга оғиз жуфтлади:

— Ойижон, фабрикангизда бизга ўхшаган қизларни ҳам ишга олишадими? Ўқиш бўлса бир гап бўлар. Уруш тугагач, давом эттирарман.

Она жиққа ёш кўзларини қизига қадади. Уни оҳиста бағрига тортди:

— Ҳали жуда ёшсан-ку, қизим. 15 ёшга тўлмасданоқ ёнимга кирмоқчимисан? 12—14 соатлаб иш тикиш сен ўйлаганча осон эмас, эзиб қўядими, дейман.

Маҳбубанинг қарори қатъий эди. Ҳаш-паш дегунча ишчилар шаҳарчасидаги Максим Горький номли тикувчилик фабрикаси қошида ташкил этилган уч ойлик ФЗУ курсини битирган кечаги 6-синф ўқувчиси меҳнат фаолиятини бошлади.

1942 йилнинг 1-Майи... Шу куни у барвақт уйғонди. Май қуёши ҳали тоғлар ортидаги маконида вазмин уйқусини тарк этмаган. Уфқ эндигина оқаринқираб келаётган бўлишига қарамай, борлиқ ажиб бир сукунат оғушида мудраб ётади. Махбуба самоварга тезгина ўт қалаб, ичкарига кирди.

— Етиб уйқунг келмаябдида, — Қумри опанинг овози эшитилди. — Ҳали хийла вақт бор ишга, ётиб ухла.

Мурғак қиз қалбидан нималар кечаяпти, унинг фикризикри қандай хаёллар оғушида, она қаердан билсин? Ахир, Маҳбуба янги, мавҳум, сирли ҳаёт бўсағасида эмасми?! Бугундан бошлаб сочига барг осиб, дугоналари билан эшик олдида тош ўйнаб кунини кеч қиладиган қизча эмас, ишчи-тикувчи-ку, энди!

— Ие, машинага оёгинг етмас экан-ку, — оқ сариқдан келган қизчага юзланди мастер Муҳаррам опа Мавлонова. — Нима қиламиз?

— Шунга ҳам бош қотиряпсизми, Муҳаррам опа. Стул оёгини қирқиб ташланг, вассалом, — деди тикувчилардан кимдир.

Хонада бир лаҳзалик қувноқ кулгу янгради. Бошқалар ҳам унинг таклифини бир оғиздан маъқуллашди.

Фабрикада асосан эркаклар ич кийими тикиларди. «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун» шиори остида кунни тунга, тунни тонгга улаб меҳнат қилаётган муҳтарам онахонлар, опахонлар оиласи яна бир қизча ҳисобига кенгайди. Тиришқоқ Маҳбубанинг жажжи бармоқлари чоклар устида йўрғалай бошлади...

— Онам ҳақ гапни айтган эдилар, — эслайди Маҳбуба опа ўтган йилларни хотирасида жонлантирар экан. — Иш ниҳоятда оғир эди. Ҳар сменада 600 тадан кийим тикишимиз керак эди. Борди-ю, планни бажаролмай қолсак, ишдан кейин қолиб бўлса ҳам уддасидан чиқишга мажбур эдик. Дастлаб бармоқларимни чокка қўшиб тикиб юборган кунларим ҳам бўлган.

Ниҳоят уруш ғалаба билан тугади. Ҳорғин, зафарон чеҳраларга қайта табассум, қувонч югурди. Қишини толиқтирадиган, қолдан тойдирадиган иш соатлари бир мунча қисқарди. Маҳбубанинг тикувчилик маҳорати ўсди, унинг қўлидан чиқадиган ҳар бир маҳсулот чокларининг силлиқлиги, бежиримлиги билан ажралиб турадиган бўлиб қолди. Тикувчилик фабрикаси номи ҳам неча бор ўзгарди. Кичик бир корхона ўсиб кенгайиб, фирма даражасига кўтарилди.

Тошкент трикотаж фирмасининг тикувчилик цехи. Кенг, равон хонада меҳнат ўз маромида боради. Серунум, моторлашган ПМЗ тикув машиналари тоғ шалоласидек босиқи гувиллайди. Иш конвейер усулида ташкил этилгани учун у ёки бу жараённи бажараётган чеварлар суръатни бир зум бўшаштиришмайди.

Опани ишдан қўймаслик мақсадида тушлик бўлишини кутамиз. Цех бошлиғи Умарова гап бошлайди:

— Маҳбуба опамлар январь ойи топшириғини 181 процентга адо этибдилар, — дейди цех бошлиғи табелга назар ташлар экан. — Демак, бугундан бошлаб май ойи ҳисобига меҳнат қиляптилар. Қани энди, ёш тикувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам шундай ишласа! Бешйилликни тўрт йилда эмас, балки уч йилдаёқ ўринлатар эдик.

Маҳбуба опа билан суҳбатимиз қисқа бўлди. Ленин ордени кекса тикувчи қадрдон корхонада босиб ўтган 30 йиллик фаолияти, эришаётган ютуқлари ҳақида ортиқча гапирмади. Гап орасида кунлик топшириқни 140—150 процентдан кам бажармаётганини айтди.

У шундай ўйларди, танлаган касбни севсанг, вақтида машина ёнида бўлсанг, иш вақтидан иложи борича унумли фойдалансанг бас, топшириқ-ку ишингда ҳам барака бўлади... Маҳбуба опа Дадаматова муваффақиятининг «сири»ана шундай!

Я. САЛИМОВ.

ТОШКЕНТДАГИ 4-стомотологик поликлиника аҳолига намунали медицина хизмати кўрсатмоқда. Бу ерда даволашнинг илғор усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Суратда: врач Т. Файзиева беморнинг тишини кўрмоқда.

И. Шоиноғомов фотоси.

КУТУБХОНА—МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ рейди

Қироатхонада суҳбат қизғин давом этарди. Кейин билсак, актив китобхонлар советининг навбатдаги йиғилиши ўтаётган экан.

—Шарофатхоннинг таклифи жуда ўринли, — деди боядан бери даврадагилар суҳбатини берилиб тинглаб ўтирган Ойниса опа Шокирова сўз олиб. — Биз омма орасида қанча кўп бўлсак, китоб пропагандаси ҳам шунча яхши бўлади. Шарофатхон тўғри айтди: чор вадорлар ўртасида ҳам актив китобхонларни кўпайтиришимиз керак. Шунинг учун чорвачилик фермаларига қўшимча кўчма кутубхона юбориб туришга қарор қилдик. Худди шундай тадбирни колхоз автогаражида ҳам амалга оширмоқчимиз. Бунга сизлар ҳам йўқ демассиз. Қисқаси, ҳар бир колхозчи маърифат ўчоғидан тўла баҳраманд бўлиши лозим.

Мудиранинг бу сўзлари суҳбатга якун бўлди, шекилли, совет аъзолари белгиланган жойларга тарқалишди.

— Кутубхонамиз ҳузурида бешта совет ташкил этилган, — дейди Ойниса опа. — Уларнинг ҳар бири ўз иш планига эга. Бугунги йиғилишда китоб тарқатувчи жамоатчи активларнинг навбатдаги вазифаларини гаплашиб олдик. Эрта-индин колхоз фермаси ва автогаражида кўчма кутубхоначалар иш бошлайди. Шундай қилиб, биз бу билан барча колхозчиларни кутубхонага аъзо қилган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози кутубхонаси қўллаётган тажриба кенг ёйишга арзийди. Бу ерда китоб пропагандасининг ҳар хил формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Кутоб тарқатувчилар жамоатчилик асосида иш олиб боришяпти. Ҳозир Советга ўн киши аъзо. Бригадир Шарофат Худойбердиева, пенсионер Жамила Охунова, колхозчи Руқия Азимбоева ва бошқалар актив кутубхоначидирлар. Улар жойларда бўлиб, адабиётлардан қандай фойдаланиш лозимлиги юзасидан сўҳбат ўтказиб кутубхонага янги аъзолар қабул қилишади. Буюртмаларни бевосита жойларнинг ўзида тарқатишга эришадилар. Албатта, бу ишларга кутубхона мудири ўртоқ О. Шокирова доим бош-қош.

Жойларда кўчма кутубхоналар ташкил этиш жуда қўл келди. Ўтган йилнинг ўзида бригадаларда янгидан тўртта шундай қироатхона очилди. Кутубхона учун колхоз томонидан кенг ва ёруғ бино ажратилиб, ремонтдан чиқариб берилди. Кутубхона ўқув залига ҳам эга бўлди. Бу ерда бирйўла 40 китобхон мутоала билан машғул бўлиши мумкин.

Маърифат ўчоғида бўлган киши турли китоб витриналарига кўзи тушади. «Ватанимиз-фахримиз», «Механизатор ўртоқлар, бу адабиётлар сизлар учун», «КПСС XXIV съезди қарорлари — оммага» деган китоб бурчаклари бор.

Янги бинога кўчиб ўтилгач, актив китобхонлар сони анча ортди. Мингга яқин колхозчи бу ердан китоб олиб турибди.

Кутубхона ўтган йили колхозлараро республика кўригига қатнашиб, намунали маърифат ўчоғи биринчи ўринни олди. Кейин «Крестьянка» журнали редакцияси томонидан уюштирилган кенгашга кутубхона мудири таклиф этилди.

Ойниса опа «Крестьянка» журналининг янги сонини бизга йиманибгина кўрсатди. Унда кенгашда сўзга чиққан кутубхоначилар қатори Ойниса опанинг ҳам «Ҳамма колхозчи — китобхон» мақоласи берилган эди.

Райондаги «Полярная звезда», Куйбишев номли колхозларда бўлиб, маърифат жонкуярларининг ибратли ишлари билан танишдик. Бу колхоз қироатхоналари адабиётлар билан яхши жиҳозланган. Китоб бурчаклари бор. Бу кутубхоналарда ҳам советлар ишлаб турибди. Китобхонлар билан коллектив равишда ва яккама-якка ишлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

... Колхоз кутубхонаси олдида беш-олти киши тўпланиб турарди.

— Нима, кутубхона бу ердан кўчиб кетганми, дейман? — деди улардан бири. — Кеча ҳам келган эдим. Қандай ёпиқ бўлса, шундайлигича турибди.

— Нимасини айтасиз, дўстим, — деди иккинчи бир киши унинг фикрини маъқуллаб, — Мана беш-олти кундан бери кутубхоначидан дарак йўқ. Айтишларига қараганда, у ҳозир пенсия бўлимида ишлаётган эмиш.

Аввало, кутубхона жойлашган бино талабга жавоб бермайди: ремонт талаб бўлиб турибди. Устига-устак, ўқув зали ҳам йўқ. Кутубхона шундайдир, балки колхоз клуби бордир, дерсиз. Асло! Шундай катта хўжаликда ҳанузгача биронта клуб йўқ.

Яна кутубхонага қайтайлик. Бу ерда китобхонлар билан ишлаш учун қулай шароит йўқлиги туфайли китобхонлар сони борган сари камайиб боряпти. Кутубхона мудири Ф. Жўраев бўлса ўзининг асосий иши қолиб, кўпинча пенсия бўлимида баҳс бўлади. Маърифат ўчоғини китоб фонди билан бойитиш, янги адабиётлар сотиб олиш ҳам ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Ўтган йили бир марта ҳам китоб олинмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?! Кутубхонада иш плани бору, аммо унда кўрсатилган тадбирларнинг кўпи бажарилмай қолиб кетмоқда. Ана шу каби камчиликлар ҳақида ўз вақтида танқидий мулоҳазалар билдирилди. Аммо, аҳвол ўша-ўша. Ахир, кутубхона «иккинчи» даражадаги объект эмас. У колхозчиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши лозим. Аммо, райондаги «Партия XXII съезди» колхози раҳбарлари кутубхонага эътибор бермай қўйишганлиги ҳам кишини таажжублантиради.

Ҳозир Ўрта Чирчиқ районида 60 га яқин оммавий кутубхона ишлаб турибди. Булар орасида атиги 12 таси колхоз кутубхонасидир. Райондаги Охунбобоев номли, Энгельс номли колхозларда маданият ўчоқларига етарли эътибор берилмаётир. Уларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш жуда зарур эканлиги кўпинча унутиб қўйилмоқда.

Болалар кутубхоналари қурилиши ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Шу билан бирга мавжуд кутубхоналарни тегишли адабиётлар билан ўз вақтида тўлдириб туришга эришиш лозим.

Районда ҳалигача маданият саройи йўқ. Бундан ўн йил муқаддам ана шу маданият ўчоғини қуришга катта тараддуд кўрилган эди. Смета-лойиҳа ишлари тахт қилиб қўйилди. Кейин нима бўлди-ю, бошланган иш тўхтаб қолди. Қолган ишга қор ёғади деб шуни айтадиларда!

Қишлоқ маданиятини юксалтириш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу ҳаётий вазифани бажариш бирон киши ёки хўжаликнинг ишигина эмас, бу умумхалқ ишига айланмоғи лозим. Шундагина қишлоқларимиз маданий тараққиёт жиҳатидан давр талабига жавоб берадиган даражага етади.

Э. ШУКУРОВ,
Ўрта Чирчиқ район маданият бўлимининг мудири.

Р. ФАХРУДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ходими.

А. АЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОЛИМ МИНБАРИ

КИБЕРНЕТИКА ВА ПАХТАЧИЛИК

Тўққизинчи беш йилликнинг охирида республикамиз пахтакорлари партиямиз XXIV съезди белгилаб берганидек, 4 миллион 900 минг тонна пахта етиштиришлари керак.

Бу улкан режани амалга ошириш учун пахтачиликни интенсивлаштириш, яъни комплекс-механизациялашни амалга ошириш, химиядан мувофиқ даражада фойдаланиш, пахта-беда алмашлаб экишни кенг жорий қилиш, ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш зарур.

Интенсивлаштиришнинг хилма-хил омилларини пахтачилида жорий қилиш колхоз ва совхозларда планлаштириш ва бошқариш ишларини мураккаблаштириб юборади. Пахтачиликни ривожлантириш планини тузган пайтда ишчи кучлари, табиат бойликлари, механизация, химия, капитал харажатлардан оқилона фойдаланиш, агротехника, зоотехника талаблари, давлат томонидан белгиланган маҳсулот тайёрлаш топшириқларини тўла ҳисобга олиш керак. Бундай мураккаб ҳисоб-китобни фақат ҳозирги замон математика усуллари билан электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ечиш мумкин.

Узбекистон Фанлар академияси-нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени-ли кибернетика институти ва ҳисоблаш марказининг илмий ходимлари сўнгги беш йил давомида бу соҳада айрим ютуқларни қўлга киритдилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг давлат планини ишлаб чиқариш объектларига жойлаштириш масаласи электрон ҳисоблаш машинаси билан ечиб кўрилди.

Бу масаланинг асосий мазмуни қуйидагича: республикамиз колхозлари бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давлат плани белгиланган экан, уни область колхозларига шундай тақсимлаш керакки, натижада маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказишга кетадиган харажатлар энг кам бўлиши лозим. Бунда тубандаги шартлар бажарилиши керак:

Планни объектларга шундай тақсимлаш керакки, жойларда уни бажариш имконияти бир хил даражада бўлсин; планлаштириш поғоналари — областлар, районлар ва хўжаликларнинг табиий, иқтисодий шароитлари тўғри ҳисобга олинган, бунда қишлоқ хўжалигини рационал ихтисослаштириш ва ишлаб чиқаришни тўғри концентрациялаш масаласи тўғри ҳал қилинган бўлсин;

Бу масала республикада энг аввал областлар бўйича областларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни оптимал планн аниқлангандан сўнг, районлар бўйича, сўнг хўжаликлар бўйича ҳал қилинади. Бу масалани ечиш учун аввало, экономика-математик жадвал тузилади, масаланинг ҳамма шартлари шу жадвалга коэффициентлар орқали ёзилади.

Агар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат планини областлар бўйича жойлаштирилса, улар жадвалда алоҳида блокни ташкил қилади ва ўзига хос шартлар қўйилиб, жадвал коэффициентлари аниқланади. Ҳар бир блок республиканинг умумий шартлари бўйича жадвалда бирлаштирилади. Ҳар бир блокка, тубандаги шартлар қўйилиши мумкин: а) маҳсулот тайёрлаш миқдорининг юқори ва қуйи чегараси; б) маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўлган ер майдонларининг юқори ва қуйи чегаралари; в) планда кўрсатилган маҳсулотларни тайёрлашга сарф бўладиган ишчи кучлари, асосий фондларга, сувга бўлган талаб, шу объектдаги мавжуд ресурслардан ортиб кетмаслиги керак; г) маҳсулотларни тайёрлаш миқдори шу объектда жорий этилган алмашлаб экиш талабларига мос келиши керак;

Масаланинг мақсад функциясида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг умумий миқдори учун энг кам ер ва минимум меҳнат сарфлаш, ишлаб чиқариш харажатларини минимум даражага келтириш, давлат харажатларини камайтириш, энг кўп соф даромад олиш, рентабелликни ошириш каби лар танланади.

Бу масала колхозлар бўйича кўп йиллик ҳисобот ва перспектив кўрсаткичларга асосан «Минск-22» электрон-ҳисоблаш машинасида ишлаб синаб кўрилди. Натижада республика колхозлари давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планини одатдаги традицион йўл билан ҳисобланганига қараганда 40 минг гектарга яқин кам ер сарфлаб бажариш мумкинлигини аниқлади. Шунингдек, бу пландаги ишлаб чиқариш харажатларини 37571,8 минг сўм камайтириш, меҳнат харажатларини 2584298 одам кунига камайтириш мумкинлигини кўрсатиб берди.

Олинган дастлабки натижалар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан республика планини дастлаб областлар бўйича электрон-ҳисоблаш машиналари воситасида тақсимлаш, сўнг область планларини районлар,район планларини колхозлар бўйича тақсимлаш мақсадга мувофиқ эканини кўрсатди.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги асосан пахта тайёрлашга ихтисослаштирилган. Модомики, шундай экан, пахта теришни 100 процент машиналаштириш муҳим проблемадир.

Бундай машиналардан самарали фойдаланиш, тайёрланган пахтанинг сифатли бўлишини таъминлаш лозим. Бунинг учун аввало пахта териш мавсумига энг яхши технологик схемаларни ва шунга мос ҳолда комплекс машиналарни танлаш, иш жараёнининг бирин-кетин бўлишини таъминлаш зарур.

Пахта теришда қатнашадиган машиналардан бирининг ўрнига иккинчисини ишлатиш билан технологик схемалар ҳам, терилган пахтанинг сифати ҳам, сарфланадиган маблағ миқдори ҳам ўзгаради.

Маълумки, бир қанча илмий-текшириш институтлари териб олинган пахтанинг сифати пахтанинг очилиш даражасига, уларни тупларда жойлашишига, ташқи муҳитга, агротехника талабларига боғлиқ эканлигини аллақачон аниқлаб, маълум хулоса чиқарганлар. Модомики, шундай экан, пахта териш мавсуми учун юқоридаги факторларни ҳисобга олган ҳолда оптимал технологик схемаларни танлаш лозим. Шунинг учун ҳам агрегатлар комплексини аниқлаш, терим жараёни узлуксизлигини таъминлаш мураккаб масалалардан биридир.

Бунда ҳам бизга кибернетика ёрдам беради. Бу масала институтимизнинг оптимал планлаш ва бошқариш лабораторияси ходимлари билан, Ўрта Осиё механизация ва электрификация илмий-текшириш институтининг Д. М. Шполянский раҳбарлик қилаётган пахтани машинада териш лабораториясининг ходимлари ҳамкорлигида ҳал этилди. Электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамида бу масалани ечиш методикаси яратилди.

Утказилган тажриба ҳеч қандай кўшимча харажат қилмай, пахта теришда иштирок этадиган машиналарни танлаш, операцияларни бирин-кетин бажариш, танланган оптимал пахта териш схемаларини амалга ошириш билан 1000 гектар ер ҳисобида 40-60 минг сўм қўшимча даромад олиш мумкин эканини кўрсатди.

Лабораториямиз ходимлари пахтачилик районларида қишлоқ хўжалик тармоқларини жойлаштириш ва ихтисослаштириш масаласини ҳам электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ҳал қилиш бўйича ҳам иш бошладилар. Бунинг учун Янгийўл районининг пахтачилик хўжаликлари объект қилиб олинди. Районнинг табиий, иқтисодий шароитлари ўрганилди, жадвалга керак бўладиган маълумотлар ёзилди. Яқин кунда бу масала ҳал қилинади.

Илмий-текшириш институтлари томонидан тавсия этилган пахта-беда алмашлаб экишнинг турли схемаларини кўр-кўрона ишлаб чиқаришга жорий қилиб бўлмайди. Ишни шундай ташкил қилайлики у тупроқ ҳосилдорлигини оширадиган, ишлаб чиқариш ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширадиган, давлатга деҳқончилик маҳсулотлари сотиш планини ортиғи билан бажариш имконини берадиган мустаҳкам ем-хашак базаси ҳосил қиладиган бўлсин.

Бу масалани ижобий ҳал қилиш учун тубандаги тўрт масалани ечиш керак:

1. Алмашлаб экиш схемасида пахта ва ем-хашак экинларининг майдонини оптимал чегараларини аниқлаш лозим;

2. Алмашлаб экиш далаларини шундай тақсимлаш керакки, улар мумкин қадар бир-бири билан тенг бўлсин. (Тенг бўлмаса, алмашлаб экилганда пахта ва ем-хашак далаларига ўзгаради, олинадиган маҳсулот миқдори ҳам ҳар хил бўлади. Бу эса ишлаб чиқариш ресурсларидан нотекис фойдаланишга, соф даромадни ўзгаришига ва бошқаларга сабаб бўлади).

3. Алмашлаб экишда ем-хашак экиладиган пайкаллардан оптимал фойдаланиш керак;

4. Оптимал алмашлаб экиш схемаларини жорий қилиб, пахтакор хўжаликларнинг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш оптимал программасини тузиш зарур.

Бундай мураккаб «жумбоқ ичидаги жумбоқ»ни ечиш учун албатта кибернетика воситаларидан фойдаланиш зарур.

Лабораториямиз ходимлари пахтакор хўжаликларда пахта-беда алмашлаб экиш оптимал схемаларини танлаш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш методикасини ва экономик математик моддалар системасини ишлаб чиқди. Бу масалани пахтачилик хўжаликлари мисолида ҳал қилиш учун тегишли маълумотлар тўпланди.

Электрон-ҳисоблаш машиналарида пахтачилик колхозларининг йиллик ишлаб чиқариш программасини тузиш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Бунда химиядан, механизациядан фойдаланиш ва алмашлаб экиш схемалари назарда тутилди. Натижада ердан, ўғитдан, техникадан ва бошқалардан оқилона фойдаланиш учун ички имкониятлар аниқланди. Фикримизча, колхоз ва совхозларни планлаштиришда кибернетика воситаларидан фойдаланилса, ҳеч қандай қўшимча харажатсиз ялпи маҳсулот қимматини 10-15 процент кўпайтириши мумкин.

Маълумки, колхозларнинг йиллик ва перспектив планларини тузишда ишлатиладиган иқтисодий кўрсаткичларни асосан бошланғич ҳужжатлардан олинади. Бухгалтерия ҳисобидан ҳамма бошланғич ҳужжатлар устида олиб бориладиган ишлар бир талай ҳисобчиларнинг бетиним ишлашларига боғлиқ. Шундай экан, бухгалтерия ҳисобини механизациялаш билан колхоз ҳисобчиларини самарали ишлашига шароит туғдирилади.

Шуни ҳисобга олиб, институтимиз директори академик Восил Қабулов ва Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Ўртоқ Маҳмуд Исматовнинг ташаббуси билан шу колхозда лабораториямизнинг филиали ташкил қилинди. Колхозга СПМ ҳисоблаш перфорация, саралаш жамлаш машиналари, перфораторлар, кичик клавиш машиналари ўрнатилди. Колхозчилар иш ҳақларини ҳисоблаш, ем-хашак ведомостини тузиш, шоферларнинг йўл варақаларини ҳисоблаш каби бошланғич ҳужжатларни ишлаш учун СПМ машинасига программа тузилди ва колхоз ишлаб чиқаришига жорий қилина бошланди.

Республикамизнинг 50 йиллик тўйи шарафига колхоз бухгалтериясининг бошланғич ҳужжатларини 100 процент СПМ ва ЭВМ машиналарда ҳисоблашга ўтказиш юзасидан мажбурият олиб, иш олиб бораяпмиз. Бундан кейин бу колхоздаги филиалимиз, яъни ҳисоблаш марказимиз, келажакда Янгийўл экспериментал информация ҳисоблаш системасининг кичик схемаси бўлиб хизмат қилади.

Кибернетика пахтачиликда энди қўлланила бошлади. Унинг истиқболи порлоқ.

В. АБДУРАЗЗОҚОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, лаборатория бошлиғи.

КАЛИНИН районидаги «Узбекистон ССР 40 йиллиги» колхози сабзавоткорлари шаҳар меҳнаткашларини қишда ҳам мўл ноз-неъматлар билан таъминламоқда. Колхоз теплица хўжалигида помидор, бодрингларни териш ва топшириш қизғин олиб борилаяпти. Ҳар куни шаҳарга 200-250 килограммдан ортиқ помидор жўнатилмоқда. Суратда: теплица хўжалигининг илғор ишчиларидан М. Хайитова, О. Исмоиловалар яшикларга помидор жойлашмоқда.

Ф. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

ЗОТЛИ ҚЎЙЛАР КЎПАЯДИ

Оҳангарон районидаги «4-Оҳангарон» совхозида сержун ва сергўшт зотли қўйлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу ерда қўйларнинг ўртача вазни 70-120 килограммни ташкил этади.

Совхоз ўтган йили пландаги 20 тонна ўрнига 24 тонна жун топширди ва 176 минг сўм фойда олди.

Бу ерда тажрибали чўпонлар анчагина. Сотиболди Аҳмедов, Мўмин Холтўраев, Самад Ўразалиевлар шулар жумласига киради. Улар ҳар бош қўйдан 3,5—4 килограммдан жун, ҳар бир юз бош совлиқдан эса 115 тадан қўзи олишмоқда.

Янги зотли қўйларни кўпайтириш соҳасида Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими И. А. Топильский астойдил ишлаяпти. У яқинда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Сержун ва сергўшт янги зотли қўйларни райондаги бошқа хўжаликлар ҳам кўплаб сотиб олаяпти. Ҳозиргача хўжалик томонидан 20 минг ана шундай зотли қўйлар сотилди.

В. УРИЦКИЙ.

ҚОР ҚЎРПАСИ — ЕР ОЗИҒИ

Об-ҳаво маълумотларига кўра, Ўзбекистонда бу йилги қишда қор кўп ёғиши кутилмаган эди.

Агрометео хизмати ходимлари республика водийларига тушган қор қалинлигини ўлчаб кўришди. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё областларининг суғориладиган далаларига тушган қор кўрпаси 30—35 сантиметрга боради. Мелиораторлар бундай қалин қор яхоб сувининг ўзинни бемалол босa олади демоқдалар. Шундай ерга экилган чигит кўкламда барвақт ва қийғос унниб чиқади. Қор шўрҳок ерларнинг шўрини кетказишга ҳам баракали таъсир қилади.

Мелиораторлар совуққа қарамай ҳозирнинг ўзидаёқ суғориш мавсумига тараддуд кўришмоқда. Амударё этакларида, Зарафшон ва Сирдарё ҳаззасидаги шўрҳок ерлар ювилмоқда. Гидротехника иншоотлари ремонт қилинмоқда. Кун илиши билан қор суви дарёларни тўлдиради. Мелиораторлар ҳамма сув омборларнинг темир-бетон дарвозаларини ланг очиб қўйишди. Қуйимозор сув омбори лиммо-лим тўлди. Унда қариб 3,1 миллиард куб метр сув йиғилди. Аму-Бухоро машина канали билан Зарафшон дарёси шу сув омборини тўлгазди. Каттакўрғон сув омборида 620 миллион куб метрдан зиёд сув тўпланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОЛИ— ТАСВИРИЙ САНЪАТДА

Ўтган йили Ўзбекистон рассомлари баракали ижод қилиб, ажойиб асарлар яратишди.

Тасвирий санъат усталари, график ва ҳайкалтарошлар республикамизнинг колхоз ҳамда совхозларида бўлиб, хўжалик илғорлари: машқур пахтакорлар, механизаторлар билан учрашишди. Бунинг якуни сифатида Тошкент областидаги «Политотдел» колхозида кўчма «Ер ва одамлар» кўргазмаси очилди.

Кўргазмадан Ўзбекистон халқ рассоми Р. Аҳмедов мўйқаламига мансуб катта туркум асарлар ўрин олган. Айниқса, рассомнинг нозик дид билан чизилган «Қўшиқ» номли чиройли композиция асари маҳорат билан ишланган.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Рўзи Чориев, В. Ковинин, А. Абдуллаев, К. Чепраков, З. Иногомов асарлари томошабин диққатини ўзига жалб этади.

Чирчиқ, Бўстонлиқ, Бурчмулла каби ўлкамизнинг манзарали жойлари эса СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев полотнолари орқали томошабинлар кўз олдидан бирма-бир ўтади.

Ўзбекистон тасвирий санъат ижодкорларининг бу йилги режалари янада катта. Ҳозир СССР 50 йиллигига қизғин тайёргарлик бораяпти.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
санъатшунос.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Америка Қўшма Штатларининг агрессив снёсати натижасида Вьетнамда рўй берган қуролли можаро ўн йилдан ортиқ вақтдан буён давом этмоқда. АҚШдаги Вьетнам авантюрасининг энг ашаддий тарафдорлари ҳам Жанубий Вьетнамдаги миллий-ватанпарвар кучлар устидан уруш йўли билан галаба қозониш мумкин эмаслигига ва можарони снёсий бартараф қилиш йўлларини қидириб топиш зарур эканлигига ишонч ҳосил қила олдилар. Аммо Вашингтондаги баъзи кимсалар можаронни шу тарзда бартараф қилиш йўлларини қидириб топиш ўрнига турли снёсий найранглар ишлатишга очиқдан-очиқ уриниб кўрмоқдалар. Бундай найранглар Америка ҳарбийлари жанг майдонида рўёбга чиқара олмаган мақсадларга эришишни кўзда тутади.

АҚШ ҳукумати Ҳинди-Хитой можаросини бартараф қилиш ҳусусида илгари сурган ва «8 моддадан» иборат тинчлик плани» деб аталган таклифлар муносабати билан кейинги кунларда Америка пропагандаси шовқин-суроқ билан ўтказилаётган кампанияни авж олдириб юборди.

Американинг таклифларини объектив суратда таҳлил этиш шундан далолат берадики, Вашингтон ҳукумати аввалдагидек ҳозирда ҳам Американинг барча қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишнинг конкрет муддатини белгилашдан бошқа ҳамма ишларни ҳал этишга тайёр эканлигини билдирмоқда. Жанубий Вьетнам халқини Америкага тарафдор Сайгон қўғирчоқ режимининг бундан буён ҳам иш кўришига розилик билдириш учун мажбур этишга интилмоқда, Жанубий Вьетнам республикаси муваққат революцион ҳукуматини амалда Жанубий Вьетнамнинг снёсий структурасидан четлатишга уринмоқда. «8 моддадан иборат план»ни қабул қилиш амалда Вьетнамдаги ватанпарвар кучларнинг қурол-яроғларни ташлаб, тамомила таслим бўлишларидан далолат берган бўлур эди.

Жанубий Вьетнам республикаси муваққат революцион ҳукуматининг 2 февралдаги баёнотида ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг 5 февралдаги баёнотида ҳақли суратда таъкидлаб ўтилганидек, «тинчлик плани» деб аталган план «вьетнамлаштириш» йўли билан агрессив урушни давом эттириш мақсадининг кўзда тутади.

Совет ҳукумати Жанубий Вьетнам Республикаси ҳукуматининг ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг тинчлик идеялари билан сўғорилган ҳаққоний позициясини маъқуллаб, қуйидагиларни таъкидлайди: Совет ҳукуматининг чуқур эътиқодига кўра, 7 моддадан иборат таклифлар Вьетнам проблемасини чинакам ҳал этишнинг реал ва ижобий негизидир. Бу таклифлар Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг шу йил 2 февралдаги баёнотида яна бир марта таъкидлаб ўтилди ва тушунтириб берилди. Ана шу таклифларга мувофиқ, Қўшма Штатлар ўз айтганини Жанубий Вьетнам халқига мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишлардан воз кечиши, Жанубий Вьетнам халқининг қонуний миллий орзу-тилак ва ниятларини ҳурмат қилиши лозим. АҚШ ва иттифоқчиларининг ҳамма қўшинларини, ҳарбий маслаҳатчилари ва қурол-яроғларини Жанубий Вьетнамдан батамом, тез ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш, уларни олиб чиқиб кетишнинг конкрет муддатларини белгилаш, урушни «вьетнамлаштириш» снёсатини дарҳол тўхтатиш, Қўшма Штатларнинг чириган қўғирчоқ Тхиеу режимини қўллаб-қувватлашдан воз кечиши — асосий шартлардир. Бу шартларнинг бажарилиши Вьетнамдаги можарога чек қўя олган бўлур эди.

Совет Ҳукумати АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини қатъиян қоралаб, Вьетнам халқининг ҳаққоний талабларини тамомила маъқуллайди ва Вьетнам, Лаос ҳамда Камбоджа халқларининг империалистик агрессияга қарши, Ҳинди-Хитой проблемаларини шу районда яшовчи халқларнинг манфаатларини кўзлаб ҳал этиш учун олиб бораётган курашини қатъий қўллаб-қувватлашдан иборат ўзгармас йўлини яна бир марта таъкидлаб ўтади.



Латин Америкасининг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан савдо алоқалари тобора кенгайиб бораяпти. Эквадор саноати министрлиги билан СССР савдо вакиллиги ўртасида яқинда имзоланган шартномага кўра Эквадор Совет Иттифоқига 10000 тонна банан етказиб беради, СССР эса 200 та «ГАЗ» автомобиллари юборади. Суратда: Совет кемасига Гуаякиль портида банан ортиш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

АНГОЛА ЖАНУБИДАГИ ЖАНГЛАР

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Анголанинг жанубий районларида, Намибия чегарасига яқин жойда Ангола ватанпарварлари билан Португалия мустамлакачиларининг қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар бошланиб кетди. Анголани озод қилиш халқ ҳаракатининг раҳбарлик комитети бу ерда эълон қилган ахборотда таъкидлаб ўтилишича, Ангола жанубининг аҳолиси Анголани озод қилиш халқ фронтининг қуролли курашни бутун миллий территорияда қизитиб юбориш тўғрисидаги шиорига жавоб бериб, қуролли курашга отланди.

Анголанинг жанубий районларида авж олиб кетган қуролли курашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки. Ангола ватанпарварлари Намибияда Жанубий Африка Республикаси ирқчиларига қарши олиб борилаётган кураш қатнашчилари билан ҳамжиҳат бўлиб жанг қилмоқдалар.

Р. НИКСОННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Р. Никсон матбуот конференциясида сўзга чиқиб, ўзининг XXРга қиладиган сафари тўғрисида ахборот берди. У Гавайя оролларида ва Гуам оролида қисқа муддат бўлганидан кейин, 21 февралда Пекинга етиб боришини эълон қилди.

Бу сафар, деди Р. Никсон, жуда катта умидворлик ёки жуда чуқур умидсизлик туғдирадиган сафар бўлмаслиги керак. Бинобарин, биз, деди сўнгра президент, 20 йиллик ганимлик муносабатларини ва алоқа аслида узиб қўйилганлигини бир ҳафталик музокаралар давомида бартараф этиб бўлмаслигини тан олишимиз керак. Бироқ, менинг визитим «иккала ҳукумат ўртасидаги муносабатлардаги бир босқич»ни билдиради, деб таъкидлади Р. Никсон.

ЖИНОЙИЙ ҲАРАКАТЛАР КОРАЛАНДИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Америка империалистларининг Вьетнамдаги ҳарбий жиноятларини текшириш коалицияси ахборот эълон қилди. Бу ахборотда Америка агрессорлари ва уларнинг қўғирчоқларининг шу йил январь ойида Жанубий Вьетнамда ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши олиб борган жиноий ҳаракатлари қораланади.

Ахборотда бундай дейилади: Никсон маъмурияти урушни «вьетнамлаштириш» сиёсатини давом эттириб, январь ойида Жанубий Вьетнамда «тинчлантириш» планини амалга оширишни кучайтирди, шунингдек Жанубий Вьетнамда ва Шимолий Вьетнамда ҳаво урушини кенгайтирди. Кхесань районига, Плейку ва Контум вилоятлари территориясига, шунингдек Лаос билан Камбоджа чегарасига яқин жойлашган районларга қилинган ҳужумлар вақтида «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлардан фойдаланилди. Бу самолётлар етти тонна келадиган бомбаларни ташладилар.

АМЕРИКАДАН ҚОЧМОҚДАЛАР...

— Океан ошиб бизнинг кичкинагина мамлакатимизда доимий яшаш учун қанча американалик қочиб келганини айтсам, сиз ишонмаслигингиз мумкин! — деди Австрия ички ишлар министрлиги вакили Америка журналисти билан бўлган суҳбатда.

— Қанча экан? — қизиқиб сўради журналист.

— Олти мингдан кўп, — жавоб қилди чиновник, — ҳамон келаётганлар сони беҳисоб.

Австрияда американликларга кўникиб қолишган. Айниқса ёз ойларида океан ортидан бу ерга келадиган туристлар жуда катта рақамни ташкил қилади. Австрия республикасига саёҳатга келган чет эллик туристларнинг кўпчилиги американликлардир. Вена кўчаларида ва бошқа шаҳарларда фақат ёз ойида эмас, балки йилнинг бошқа фаслларида ҳам американча талаффузда гаплашаётган кишиларни жуда кўплаб учратиш мумкин. Булар туристлар эмас, Австрия гражданлигини қабул қилган мухожирлардир. Улар кичкинагина бетараф мамлакатда бошпана топишга қарор қилишган.

Бу мухожирларнинг кўпчилиги Австриянинг гўзал табиатига маҳлиё ҳам бўлган эмас, шунчаки жойларини ўзгартиришга ҳам қарор қилишмаган. Аниқ конкрет социал ва иқтисодий сабабларга кўра ватанларини ўзгартирдилар. Ана шу сабабларнинг бири оддий меҳнаткашнинг ҳаёти тобора оғирлашиб бораётган бўлса, иккинчиси Вьетнам урушида иштирок этишни истамасликдир.

Америкаликларни ўзга соҳилларга қочишга мажбур қилаётган сабаблардан яна бири шуки, бу — Америка Қўшма Штатларида жиноят олдидаги қўрқувдир. Қочоқлар Австрия маъмурлари билан ўтказган суҳбатда Америка Қўшма Штатларидан нима учун қочиб келишаётганлигининг сабабини айтиб, ўз ватанларида куппа-кундуз куни ҳам ҳаётлари ҳавф-хатар остида қолаётганлиги учун шундай қилишга мажбур бўлганликларини айтишди.

Кейинги кезларда Америка Қўшма Штатларида бошпана топиш учун ўз ватанларини ташлаб кетган Австриянинг собиқ гражданлари ҳам ўз юртларига қайтиб келмоқда. Улар орасида илгари американлик ҳукмронлар томонидан алданган кўплаб олимлар, инженерлар, техниклар бор. Энди эса бу мутахассислар оғир аҳволга тушиб, ишсиз қолиб ўз ватанларига қайтиб келмоқдалар.

... Бир вақтлари европаликлар янги дунё соҳилларига интилиб, Америка қитъасида ўз бахтларини топиш умидида йўлга отланардилар. Энди эса аҳвол тамоман бошқача. Америкадаги ҳозирги вазият, социал, ирқий ва иқтисодий пастбаландликлар кўплаб американликларни ва шу мамлакатнинг келгиндиларини тобора оғир вазиятга солиб қўймоқда, уларни яхшироқ кун кечириш ишқида шаҳарма-шаҳар дарбадар бўлишга мажбур этмоқда. Матбуот хабарига кўра «собиқ» американликлар колоннасини Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида учратиш мумкин. Ана шу мамлакатларда американлик келгиндилар сафи тобора кўпайиб бормоқда. Одамлар Америкадан қочмоқдалар...

Р. КРЕСТЬЯНИНОВ,
АПН. Вена.

Спорт

СОВЕТ СПОРТЧИЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

13 февраль куни Японияннинг Сапоро шаҳрида XI қишки олимпиада ўйинлари тугади. Мусобақаларнинг сўнгги кунларида совет спортчилари янги муваффақиятларга эришдилар.

Совет чангичилари 4X10 километрга бўлган эстафетада биринчиликни олдилар. Бу эстафетада қатнашган В. Воронков, Ю. Скобов, Ф. Снмашев ва В. Веденин пойгада чиниакам маҳорат кўрсатишди. Уларнинг ҳаммаси олтин медаллар билан тақдирланишди.

Олимпиаданинг сўнги мусобақаси — хоккей ўйини ҳам СССР вакилларига зафар келтирди. Ватандошларимиз Чехословакия командаси билан бўлган ҳал қилувчи ўйинга фақат ғалаба ни ўйлаб тушдилар. Блинов, Михайлов учрашувнинг биринчи бўлимида иккита шайба киритишади. Иккинчи бўлимда ҳисоб яна ошди. Фирсов, Мишаков уни 4:0 га етказишди. Сўнг рақиблар иккита жавоб шайбаси ташлашди. Мишаков бу ўйинда охирги шайбани киритиб, ҳисобни 5:2 қилди. Бу ғалаба совет командасига тўртинчи марта кетма-кет олимпия ўйинлари чемпионлари бўлиш имконини берди. Иккинчи ўринни кутилмаганда АҚШ терма командаси олди. Финляндия хоккейчилари Швецияни 4:3 ҳисобида мағлуб қилгач, шведлар медаллардан маҳрум бўлишди. Чехословакия ва АҚШ командаси олтмтадан очко тўплади. Америкалик спортчилар ўзаро учрашувда голиб чиққанлигн учун чехословакияликлардан олдинга ўтишди.

Совет спортчилари қўлга киритилган мукофотлар сони бўйича бошқа ҳамма командалардан ўзиб кетдилар. Спортчиларимиз 8 та олтин медал, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Иккинчи ўринга Германия Демократик Республикаси вакиллари чиқишди. Уларда 14 медал бор (шундан 4 таси олтин), Норвегияликлар учинчи ўринда, улар 2 та олтин медални қўлга киритишди.

Спортчилар навбатдаги XII қишки олимпиада ўйинларида учрашгунча хайрлашадилар.

ЯНА БИР ҒАЛАБА

Тошкентнинг «Автомобилчи» волейболчилари Москвада ўтаётган СССР чемпионатида яна ғалабага эришдилар. Бу ерда учинчи очконн улар Краснодар шаҳрининг «Динамо» коллективи билан бўлган учрашувда қўлга киритдилар. Краснодарликлар сўнгги ўриндан қутулиш учун бу учрашувга катта умид боғлашган эди. Бироқ, ҳамшаҳарларимиз бешинчи ҳал қилувчи партияда рақибларнинг умидини пучга чиқаришди. Ҳисоб 3:2. Бу ҳаяжонли учрашувда партиялар қуйидаги ҳисобларда тугади: 15:6, 16:18, 15:8, 14:16, 15:9.

«Автомобилчи» 11 ўйиндан сўнг тўрт ғалабага эришди ва қўлга киритилган очколар сони жиҳатдан Ленинграднинг «Буревестник» командасига етиб олди. Турнирда ҳозирча учта команда — Москва динамочилари, Бокунинг «Нефтчи» коллективи ва ЦСКА пешқадамлик қилмоқда. Улар саккизтадан очко тўплашди.

ТЎП ЎЙИНДА

Олий лига командалари янги мавсум олдидан халқаро ва ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, ўз кучларини синаб кўрмоқдалар. Москванинг «Динамо» футболчилари Болгарияда меҳмон бўлиб туришибди. Улар Софияда «Спартак-Левски» командасини 2:1 ҳисобида енгишди. Тўпларни рақиблар дарвозасига Сабо ва Еврюжихин киритдилар.

ЖАҲОННИНГ ЯНГИ КУБОГИ

Халқаро футбол федерацияси икки йил тайёргарлик кўргач, жаҳон чемпиони учун таъсис этилган янги совринни расмий равишда рўйхатдан ўтказди. ФИФАда жаҳон кубогининг жуда кўп лойиҳалари кўриб чиқилди. Ниҳоят шулардан бирининг макетни Халқаро футбол федерацияси Италия заргарлик фирмаларидан бирига олтиндан тайёрлаш учун топширди. Янги кубок автори италиялик рассом Сильвио Газаньнгодир. Совринниг оғирлиги 5 килограмм, баландлиги 36 сантиметр, диаметри 15 сантиметрдир. ФИФА жаҳон кубоги буткул соф олтиндан тайёрланиб, қиммати 20 минг долларлдир.

Янги совринни ҳеч ким абадийга ўзиники қилиб ололмайди. ФИФА жаҳон кубоги қўчма мукофот бўлиб, ғолиб команда уни тўрт йил ўзида сақлаш билан бирга кубокнинг кичрайтирилган олтин нусхасинигина ўзига олиб қолади.



Суратда: Олимпиада мусобақаларининг ғолиби — совет хоккейчилари.

ТАСС фотохроникаси.

МОСКВА ТЕАТРЛАРИДА

Яқинда К. С. Станиславский номидаги драма театрида Николай Погодининг «Альберт Эйнштейн» трагедиясининг премьераси бўлиб ўтди.

Суратда: спектаклдан бир кўриниш.

Малая Бронная драма театрида эса грузин драматурги Нодар Думбадзенинг совет ёшлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Қайғурма, онажон» лирик комедиясининг премьераси бўлди.

Пастки суратда: шу спектаклдан бир кўриниш.

М. СТРАКОВ фотолари, ТАСС фотохроникаси.

„ЗАПОРОЖЕЦ“ ИЗИДАН

Бир зумда қўни-қўшнилар йиғилди. Ҳамма ҳайрон. Куппа-кундуз куни Любакиналар уйига ўғри тушиб, алланималарни олиб кетганини эшитган қўшнилар ёқа ушлаб ҳайрон қолишарди.

— Наҳотки бирортамиз бу ҳолни сезмаган бўлсак, — деди малласоч, ўрта яшар аёл, шеригига.

Орадан кўп ўтмай, воқеа содир бўлган жойга оператив группа етиб келди. Старший лейтенант Иосиф Блюменталь оператив группа аъзолари билан уйга кириб ўғрилар, олиб кетган буюмларни суриштарди, издан тушиш бефойда эканлигини тушунган группа аъзолари қўни-қўшнилар билан суҳбатлашди. Ҳеч ким бирорта далил айта олмади.

Милиция ходимларидан аввалига бир оз чўчиб турган саккиз ёшлар чамасидаги Вова соат 3 ларда иккита одам «Запорожец» машинасига алланималар ортаётганлигини кўрганлигини айтди. Бу тажрибали милиция ходимлари учун калаванинг учини топиш билан тенг эди.

— Демак, ўғрилар буюмларни «Запорожец» машинасида олиб кетишган. Старший лейтенант болани оҳиста гапга тутди. Машинанинг рангини билиб олди. Номерини сўраган эди, Вова «номерига қараганим йўқ», — деди.

Оператив группа учун бундан бошқа далил йўқ эди. Лекин тажрибали, кўпни кўрган милиция ходимлари учун шу биргина далилнинг ўзи жиноятни мумкин қадар тезроқ очишга етарли эди.

Ўша куниёқ шаҳардаги барча кўк рангдаги «Запорожец» машиналари текширувдан ўтказилди. Шоферлар билан суҳбатлашилди. Лекин уларнинг бирортаси ҳам 9 январь куни «Октябрь» кўчасидаги 34-уй олдига бормаганлигини айтишди. Группа аъзолари учун савол аломати янада каттароқ бўлиб кўрина бошлади.

— Шаҳардаги барча «Запорожец» машиналарини синчковдан ўтказдик, — деди Рустам Тиллаев. Менимча ўғрилар келгинди машина хизматидан фойдаланишган бўлмасин. Бу фикр старший лейтенантни ўйлатиб қўйди. Шаҳарга келиб-кетиб турадиган «Запорожец»лар кузатила бошланди. Орадан уч кун ўтмаёқ автостанцияда кираклашлик қилаётган шоферни ушлаб келишди. У «Октябрь» кўчасидан икки кишининг юкларини Високовольтная кўчасига элтиб берганини ва бунинг учун 5 сўм ҳақ олганини тан олди.

— Менга янги уйга кўчаяпмиз, деб айтишган эди, ўғирликларини билганимда ўша заҳоти хабар қилган бўлардим, — деди шофер ўша кун-

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ги «пассажирлар»нинг афтангорини, ёшини, қаерга элтиб қўйганини таърифлаб берди. Ўғрилар қўлга олинди. Иса Аҳметов бир неча марта жиноят қилиб судланган, қамоқ муддатини ўтаб чиққанига ҳали бир ой ҳам бўлмаган экан. Тавбасига таянмаган бу жиноятчининг шериги Николай Паҳомов бўлиб чиқди.

Оператив группа жуда қисқа муддатда ўйлаб иш тутганлиги туфайли жиноятни очишга муваффақ бўлди.

Бу эл-юрт осойишталиги йўлида ҳалол меҳнат қилгаётган чирчиқлик милиция ходимлари ҳаётидан кичик воқеадир.

Шаҳар милицияси жиноят қидирув бўлимининг бошлиги Евгений Владимирович Петаев жамоат тартибини сақлаш ҳақида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

— Кўчма милиция группаси ташкил этилганлиги ишимизни анча енгиллаштирмоқда, — деди ўртоқ Петаев, — биз. шаҳарнинг қайси жойида, қайси пайтда жиноят кўпроқ содир бўлаётганлигини ҳисоблаб чиқдик. Бошқа жойларга қараганда Троицк посёлкасида, 2,3 4 микрорайонларда жамоат тартибини бузувчилар кўпроқ учрар экан. Ана шу участкаларни назорат қиладиган зонани тажрибали оператив ходимларга биркитиб қўйдик. Бу ишимизда катта ижобий натижалар берди. Анатолий Устименко, Морис Муҳамедов, Рустам Тиллаев, Г. Фалевич Петр Фоменко ва бошқа оператив группа аъзолари участкаларида жиноят кескин суратда камайиб кетди. Январь ойида шаҳар бўйича жуда оз жиноят содир бўлди. Ана шу жиноятнинг ҳаммаси очилиб қонун бузарлар қатъий жазоланади. Биз, жиноятчиларга қарши курашиб қолмай, балки ана шу жиноят содир бўлмаслиги учун ҳам ҳаракат қилмоқдамиз. Бўлимимиз ходимлари шаҳар саноат корхоналарида, ЖЭКларда, аҳоли кўп яшайдиган микрорайонларда тез-тез бўлиб, «жамоат тартибини сақлаш ҳар бир меҳнаткашнинг бурчи» мавзуида суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказиб туришади.

Лейтенант формасидаги милиция ходими хонага кириб, суҳбатимизни бўлди. У бошлиққа «дело» узатар экан, ишни якунлаганлиги ҳақида ахборот берди.

— Бу, — Петр Фоменко бўлади. — таништирди суҳбатдошимиз ўрта яшар паст бўйли, истараси иссиқ йигитга ишора қилиб. Кейин «дело»га кўз югуртирди-да, бизга юзланди:

— Мана бу жиноят ўтган кун содир бўлган эди. Бугун эса, бу «иш»ни ёпяпмиз. Шаҳримизга қариндошларини кўргани келган тошкентлик Евгений Лисинни безорилар шилиб кетишибди. Жиноятчиларни қўлга тушириб, жабрланганга буюмларини қайтариб бердик.

П. Фоменко биздан узр сўраб, хонадан чиқиб кетди. Бошлиқ ходимлари ишидан мамнун эканлигини яна тилга олди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

БИР КОЛХОЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

„ЗАНГОРИ ОЛОВ“ КЕЛДИ

Қишлоқни ободонлаштириш партия ташкилоти ва правление масалалари колхоз диққат марказида турибди. Етиштирилган маҳсулотдан келган даромаднинг бир қисми ободонлантириш, маданий-маиший мақсадларга сарфланмоқда.

Ўтган йили ҳам бу соҳада анча ишлар қилинди. 15 минг сўмга яқин пул сарфланиб, хўжаликка газ келтирилди. Қишлоқ марказидаги 150 хонадонда «зангори олов» ёна бошлади. Йил охиригача Свердлов номли, Жданов номли участкалар аҳолиси ҳам арзон газ билан таъминланади.

ПАРХЕЗ ГЎШТ

Колхоз ишлаб чиқариш планига мувофиқ, бу йил хўжалик давлатга 300 килограмм қуён гўшти, 250 қуён териси етказиб беради. Зиммага олинган бу мажбуриятни бажариш мақсадида қуёнчилик фермаси ташкил қилинди. Ҳозир 20 бош қуён боқилмоқда. Яқин вақтда улар сони 300 бошга етади.

— Қуёнчиликни ривожлантириш, — дейди колхоз раиси Исмонил Шубладзе, — хўжаликка ҳам, давлатга ҳам нуқул фойда. Бир йилда ҳар бир қуён уч-тўрт марта болалайди, териси ҳам қимматли.

МАГАЗИНГА МАРҲАМАТ

Крупская номли сельпо колхоз марказида саноат моллари магазинини фойдаланишга топширди. Уз-ўзига хизмат кўрсатувчи бу магазинда ип-газлама, пойафзал, кийим-кечакларнинг ўнлаб хили билан савдо қилинади.

Эндиликда колхозда озиқ-овқат, саноат, уй-рўёғор буюмлари билан савдо қилувчи магазинлар сони 15 га етди.

ТЕЛЕФОН ЎТКАЗИЛДИ

Хўжаликнинг барча участкалари, боғча-яслилари, медицина пунктлари телефонлаштирилди. Колхозда қурилиб битказилган коммутатор ҳозир 40 точкага хизмат қилмоқда. Яқин вақт ичида коммутатор 100 номерда ишлай бошлайди.

ЯНГИ ТЕПЛИЦА

Колхозда теплица қуришга киришилди. Ярим гектар майдонни эгаллаган теплицадаги қурилиш ишларининг ҳаммаси хўжалик ҳисобида олиб борилмоқда. Бу эса қурилишни анча арзонлаштириш имконини беради.

М. ҒОЗИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Москва» колхози.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи мухбирлар университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти 16 февраль чоршанба куни ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси, 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — «Қабристон орқали» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси, 18.00 — Болалар учун. «Юлдузча» телевизион журнали (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.30 — Узбек шоирларининг янги тржимаси, 18.45 — Бизнинг интервью (ўзбек тилида). 19.05 — «Ахборот» информацион программаси, 19.20 «Озарбайжон санъат усталари» (фильм-концерт).

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ахборот» информацион программаси, 20.45 — Узбекистон телевиденеси ва радиоси оркестри ва солистларининг концерти, 21.25 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети, 22.30 — СССР халқ артисти АНДРЕЙ ПОПОВнинг ижодий портрети (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

12.00 — Ўқув фильм, 12,25 — Адабиёт. 10-синф (ўзбек тилида).

18.15 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.00 — «Қаердасан, солдат?» (телевизион фильм, ўзбек тилида), 22.10 — СССР ташкил топган кунинг 50 йиллиги олдидан. «Замондошимиз» (телевизион очерк).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 20.00 — Тарих. 10-синф. «Маҳкум этилганлар» (Капитализм умумий кризисининг учинчи босқичи). 20.40 — Чизма геометрия бўйича ўқув фильми. 21.50 — ВАН КЛИБЕРН чалади. «Ветховеннинг фортепиано ва оркестр учун ёзган бешинчи симфонияси».

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/II да Флория Тоска, 16/II да Боғчасарой фонтани,

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да Олтин девор, 16/II да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/II да Хотинимнинг эри, 17/II да Ажаб савдолар.

КИНО

25 камерадаги қиз — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Етти иқлим нарида — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳамроз (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Утган кунлар (ўзбек тилида) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Фронтдан қайтган солдат — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Тош устида тош — «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қора холли оққуш — «ЧАЙКА» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да).

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17, 18 ФЕВРАЛЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

УЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

«ЛИРИК ҚУЙЛАР КЕЧАСИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ХАБИБА ОХУНОВА, МАҲМУДЖОН ИСОМУДДИНОВ (Наманган), ЖУМАНАЗАР БЕКЖОНОВ, ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ТАМАРА ЮНУСОВА;
Солистлар: Шерали ЖУРАЕВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Азиза ТУЛАГАНОВА, Собир МАҲКАМОВ ва бошқалар.
УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — ҒУЛОМ.ТОЖИ АЪЛОЕВ олиб боради.
Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

ЭЛЕУТЕРОКОКК — ЖЕНЬШЕНЬ

МЕДИЦИНА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР И. БРЕХМАН ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

ЖАҲОН медиклари доривор ўсимликлардан олинган препаратларнинг шифобахш хусусиятларини аллақачонлар тушуниб етишган ва улардан амалда кенг фойдаланмоқдалар. Масалан, женьшень настойкасининг алоҳида шифобахш хусуситлари ҳаммага маълум ва равшан. Бироқ, бу гиёҳнинг бир неча юз тонна илдизини танёрлаш жуда қийин масала, айниқса женьшень асосий таркибий қисмини синтез қилиш ишн жуда-жуда мураккаб ва у кўп меҳнат талаб этади.

Владивосток шаҳридаги Биологик актив моддалар институтининг илмий ходимлари женьшеньдан кам фармакологик фойда келтирмайдиган ва фойдаланиш учун анча қулай бўлган ўсимликни топишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Бизнинг эътиборимизни Узоқ Шарқ тайгасида тез-тез учрайдиган аралиев ўсимликлар оиласнга мансуб бўлган элеутерококк гиёҳи ўзига тортди.

Агар тарихда женьшеннинг фойдали, шифобахш хусуситларини ўрганиш бундан салкам беш минг йил илгари бошланган бўлса, унинг тонфасидаги элеутерококк негадир биологлар, химиклар ва фармакологлар назаридан қолиб келди. Биз ана шу гиёҳ устида чуқурроқ тадқиқот олиб боришга аҳд қилдик. Элеутерококкнинг Совет Иттифоқи ўрмонларидаги запаслари дастлабки ҳисобларга кўра тахминан 50 минг тонтани ташкил этади!

Элеутерококк — пастаккина, бута, худди мунчоққа ўхшаш қоп-қора, чиройли мевачалари бор. Барги женьшеннинг баргига ўхшаб кетади. Ана шу бутанинг илдизи кўп йиллик ва мураккаб тадқиқотларимизнинг манбаи бўлди.

Жиддий тадқиқот ишлари асосан ортда қолди. Ҳозирги кунда элеутерококк настойкасининг фақат юксак ва фавқулодда ўзига хос шифобахш хусуситлари ҳақидагина гапирмасдан, ҳатто уни мамлакатимизда саноат усулида ишлаб чиқариш бошланганини мамнуният билан уқтириш мумкин. Чет эллик фармакология фирмалари элеутерококк настойкасига катта қизиқиш билдирмоқдалар, унга талаб ўсиб бормоқда.

Номи тилга олинган настойка ёки таблетка ўзига хос қандай шифобахш хосаларга эга? Химиявий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, элеутерококк илдизларидан препарат олиш моддаларнинг мураккаб қоришмасини назарда тутади. Мен бу ҳақда чуқур тўхталиб ўтирмайман, чунки бу ҳаммадан аввал мутахассисларнинг тор доирасигина қизиқтиради. Бу препарат ажойиб, барқарор шифобахш хоссага эга.

Бу препаратнинг яхши хусуситларидан бири шундаки, у организмнинг ишлаш қобилиятини оширган ҳолда унга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Кишн ички органлари ишида, модда алмашинувида ҳеч қандай нохушлик сезилмайди. Фақат бундай хусуситлар элеутерококк препаратигагина хосдир.

Ҳайвонларда олиб борилган кўпгина тажрибалар ана шундан далолат беради. Масалан, сичқонга маълум дозадаги элеутерококк юборилганда у сувда бир ярим марта узоқлиққа сузган. Чунончи, биз кўпгина бошқа анча мураккаб ва аниқ тадқиқотлар ҳам ўтказдик. Препарат ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда кўтилган натижаларни бергач, элеутерококкни клиник тадқиқот қилиш ишлари бошланди.

Препарат аввало кишининг ақлий фаолиятига таъсири синаб кўрилди. Тажриба ўтказилаётган кишида маълум белгилар препарат қабул қилгунга қадар ва ундан сўнг кузатиб борилди. Ҳар икки ҳолда кишининг аҳволи бир-бирига солиштирилди. Утказилган кўпгина экспериментлар шуни кўрсатдики, препарат кишн ақлий фаолиятини тўртдан бир ҳиссага яхшилади, иш қобилиятини ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан активлаштирди.

Элеутерококкнинг суюқ экстракти кишининг жисмоний ҳаракатлари вақтида ҳам синаб кўрилди. Препаратнинг маълум дозасини олган кишн 10 километрга югуришда стартдан 30 минут олдин қуйидаги натижаларга эришган: экстракт қабул қилмаган кишилар ана шу масофани 52,6 минутда ва экстрат қабул қилганлар эса 48-7-45,0 минутда чопиб ўтганлар.

Биз элеутерококк ҳақида қисман тўхталдик. У ҳақда кўпроқ гапириш ҳам мумкин эди.

Лабораториямиз олимлари уларнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари кишиларга сезиларли зарур ёрдам бераётганлигидан беҳад хурсандлар.

(«Советский союз» журналидан).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари — В35885, В37916. Маъсул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786, Партия турмуш, Ахборот ва спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В3в761. Ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34045. Эълонлар бўлими — В38142, Коммутатор — В30249 дан В30259 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—03220. ИНДЕКС 64697. Б. 1687.